ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ—УЛУҒ ИШ

Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 131 (21. 230) 1992 йил 4 июль, шанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси 3 июль куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олиш ҳақидаги ҳамда республика дипломатия ходимлари учун даражалар ва мартабалар белгилаш ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари хусусида Халқаро ишлар комитетининг раиси П. Ҳабибуллаев маъруза қилди.

Олий Кенгаш мазкур қонунларни қабул қилди.

Депутатлар республика Прокуратураси тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар, шу масала юзасидан республика прокурори Б. М. Мустафоев маъруза қилди.

Музокараларда халқ депутатлари **Х. Шукуров, П. И. Саидазимов, С. Бобомуродов, Б. Тўйчибоев, С. Чегебоев, Т. Б. Режапов** сўзга чиқдилар.

Олий Кенгаш қонунни дастлабки тарзда қабул қилди ва уни пухта ишлаб чиқиш учун комитетлар ва комиссияларга юборди.

Олий Кенгаш мудофаа, армияда хизмат қилиш, муқобил (меҳнат) хизмати масалаларига доир бир қанча қонунларни, шунингдек ҳарбий қасамёд матнини қабул қилди. Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисидаги қонун дастлабки тарзда қабул қилинди.

Транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика комитетининг раиси Ғ. З. Заҳритдинов автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун лойиҳаси хусусида маъруза қилди.

Қонун қабул этилди.

Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳам қабул қилинди, бу хусусда деҳқончилик-саноат мажмуи ва сув хўжалиги комитетининг раиси Ш. Мирзаев маъруза қилди.

Экология ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш комитетининг раиси А. Т. Жалилов табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди.

Қонун дастлабки тарзда қабул қилинди.

Депутатлар соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитети раисининг ўринбосари Ф. З. Фузайлов маърузаси юзасидан давлат санитария назорати тўғрисидаги қонунни кўриб чиқдилар ва қабул қилдилар.

Олий Кенгаш ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини ҳар томонлама ҳал этиш учун республика комиссиясини тузди.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Ҳалилов маърузаси юзасидан республика жиноят-судлов кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Олий Кенгаш гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, тилмочлар ва холис шоҳидларга уларнинг харажатларини тўлаш тартиби ва миқдори тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Олий Кенгаш Раёсатининг қарорлари тасдиқланди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритдилар.

Олий суд, айрим вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари таркибига ҳам ўзгартишлар киритилди.

Олий Кенгаш Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияни тасдиқлади, Республика Олий суди таркибида ҳарбий ҳайъатни тузди.

Сессияда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қоракўлчи» фахрий унвони таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида қонун қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси ўз ишини тугаллади.

Суратларда: Республика Олий Кенгаши сессияси қатнашчилари.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва 1992 йил 1 июлдан Туркистон ҳарбий округи бошқармаси тарқатиб юборилиб, унинг фаолияти тўхтатилганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур масала юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 3 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Р. Ў. АҲМЕДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУДОФАА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Рустам Ўрмонович Аҳмедов Ўзбекистон Республикасининг мудофаа вазири этиб тайинлансин ва у Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1992 йил 3 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ АХБОРОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг республика ҳукумати ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол, мавжуд объектив қийинчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ўтказиб келаётган ижтимоий-сиёсий барқарорликни ҳар тарафлама мустаҳкамлашга, кўпмиллатли республика барча аҳолисининг тенг ҳуқуқлилиги ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ишлар асосан маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентига Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллилигига эришиш, унинг халқаро обрў-эътиборини янада ошириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни бундан буён ҳам изчиллик билан амалга ошириб бораверишга таклиф этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилиши, сотиб олиниши ва ижарага топширилиши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳларининг рўйхати, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин бўлган объектлар ва корхоналар рўйхати тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати:

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини янада тўлароқ таъминлаш юзасидан норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни жадаллаштирсин. Республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига кириши билан боғлиқ масалаларга, шунингдек, янгича шароитда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш сиёсатини сабот билан амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор берсин;

— 1992-1993 йилларга мўлжалланган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастури қабул қилинишига қадар «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун амалга киритилгандан кейин тузилган мулкчлик шаклини ҳамда давлат мол-мулкининг эгаларини ўзгартириш ҳақидаги шартномалар (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қайд этилган ҳоллар бундан мустаснодир) ҳақиқий эмас, деб топилсин;

— Ўзбекистон Республикасини қўшилмаслик ҳаракатига аъзоликка қабул қилиш илтимоси билан мурожаат этсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

Ўзбекистон — Корея Республикаси:

АСАКАДА АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ БЎЛАДИ

● Кўпчиликка маълумки, Андижон вилоятининг Асака шаҳрида 1990 йилнинг январида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалининг биринчи навбати ишга туширилган эди. У 40 минг квадрат метр майдонни эгаллаб, йилига 15 мингта трактор прицепи ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ҳозир яна 40 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдони бўладиган шу корхонанинг иккинчи навбати қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 июль куни Андижонда бўлди. Президентимизнинг таклифига биноан Корея Республикасининг жаҳонга машҳур «Деу» корпорацияси президенти Ким Ў Жун бошлиқ бир гуруҳ вакиллар ҳам Асака прицеплар заводи иши билан таниши учун бу ерга келдилар.

Меҳмонлар заводнинг қуриб битказилган ва қурилиши тугалланаётган цех ва участкаларида бўлдилар. Завод раҳбарларидан, республика «Автосельхозмаш» концерни раиси А. Юсуповдан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

«Деу» корпорацияси президенти Ким У Жун ЎзА мухбири билан суҳбатда шундай деди:

— Биз жаноб Ислом Каримовнинг таклифига мувофиқ завод ишлаб чиқариш қувватлари ва имкониятлари билан яқиндан танишиш учун бу ерга келдик. Корпорациямизнинг алоҳида мутахассислар гуруҳи энди бу масалани чуқур ўрганади. Шундан кейин қўшма корхона ташкил этиш ва йилига 60 мингта енгил автомашина, 80 мингта микроавтобус, 40 мингта кичик ҳажмдаги юк ташувчи автомашиналар ишлаб чиқариш юзасидан қарор қабул қиламиз.

Дастлабки маҳсулотимизни келаси йил охиригача чиқарамиз, деган умиддаман.

Меҳмонларга сафар вақтида Андижон вилояти ҳокими Қ. Х. Холмирзаев ҳамроҳ бўлди.

Асака шаҳри.
К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ИШЧАНЛИК

● Замон воқеалар ривожи жиҳатидан шиддатли тус олди. Кунн кеча юз миллионлаб халқларни тарих кўрмаган синовлар-у, истиқболсиз йўлларга бошлаган катта оғалик снёсати чекиниб, унинг ўрнида ушбу заминда қадимдан турли миқёс ва турли номларда мустаҳкам давлатчилиги бўлган мустақил Ўзбекистон Республикаси оёққа турмоқда. Давлат бошлиғи — Президентни парламент, кейин эса халқнинг ўзи сайлаб олди.

Ислом Абдуғанниевич Каримов олдин ҳеч қачон Президент бўлиб кўрмаган. Зеро, шу пайтгача бизда бундай лавозим бўлмаган. Лекин иқтисодиёт ва сиёсат муаммоларини қайта-қайта ўз тафаккуридан ўтказиб иш тутаётган раҳбар халқига, партиясига суяниб, аҳоли кенг қатламлари эҳтиёжларини биринчи ўринга қўймоқда ва ўз дастурида баён этган олижаноб, инсонпарварлик режаларини қадамба-қадам амалга оширмоқда. Ташқи ва ички сиёсатда реал ҳаёт қанчалик мураккаблашмасин, вазият барқарорлигини ушлаб туришнинг уддасидан чиқмоқда.

ХАЛҚ ўз Президентига ишониб яшамоқда. Ўйжой, томорқа, ер муаммоси, дон-дун таъминоти, аҳоли қўлидаги чорвага озуқа етказиб бериш, маошларни ошириш, таълим-тарбия, диний-маънавий масалалар... —буларнинг барчасига унинг ўз қарашлари бор. Ҳаммасини халқ ўзи кўриб-билиб, сезиб турибди.

Президент билан парламент ўртасида ўзаро тушуниш, бир-бирларига кўмаклашиш, ишчанлик кайфияти ҳукмрон. Олий Кенгаши ўнинчи сессияси танаффусида чўлда деҳқончилик қилувчи аёл депутат билан фикрлашдик. Опа ўз номини айтмасликни илтимос қилди. Айрим депутатлар унга раҳбарга хушомад қилади, дея таъна қилишларини истамас экан. Исмини яширса ҳам фикрларини очиқ-ойдин айтди.

— Мана, Ислом ака раҳбар бўлганига уч йил бўлди. Шу орада бирор инсоннинг бурни беҳудага қонадими? Йўқ! Аксинча, қанчадан-қанча айбсиз айдорлар темир қафасдан бўшатилдилар... Кечирасизлар-у, юрт оғасининг меҳри ҳам, қаттиқ қўллиги ҳам бўлиши керак. Мустақиллик снёсати ғаниимларига қилмишларига яраша жавоб қайтарилиши лозим. Чунки бу одам то биз сайлаб қўйган муддат ўтмас экан, ўзи учун эмас, мамлакат фуқароси учун яшайди, меҳнат қилади. Айниқса, унинг меҳрига ўрганган айримлар адашмасинлар...

— Тўққизинчи сессиядан кейин орадан беш ярим ой вақт ўтди, — дейди халқ депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик, — Президент, Олий Кенгаш қўмиталари, комиссиялар, республика ҳукумати тиним билмай ишладилар. Аммо ижтимоий-сиёсий ҳаётда ечимни кутган муаммолар кўпайиб кетган эди. Чунончи, давлатимизнинг Асосий Қонунини ишлаб чиқиш, армия ва мудофаа, пул ва молия ва ҳоказо масалаларга ойдинлик киритиш зарур эди. Сессия очилишидаёқ Ислом Абдуғаниевичнинг нутқини эшитган халқ вакиллари

(Давомн иккинчи бетда).

● Депутат билан мулоқот

ЭНГ МУҲИМИ— ОСОЙИШТАЛИК

● Суҳбатдошимиз Йўлдошали Ирисовнинг аслн касби агроном. Дастлаб Мирзачўлда ишлаган. Ҳозир Асака районидаги Солиҳон Тошланова номли жамоа хўжалиги раиси. Республика халқ депутати.

●

— Халқимизда иш боши — интизом деган нақл бор. Ҳақ гап, қаерда тартиб-интизом, осойишталик бўлса, ўша ерда барака бўлади. Ўзаро ҳурмат-эътибор қарор топади. Кўриб-билиб турибмиз. Матбуот ва телевидение орқали собиқ иттифоқ республикаларидаги воқеалар жараёнини диққат билан кузатиб борямман. Қўшни жумҳуриятларда бўлаётган нохуш ҳолатлар бизни анча сергаклантирди. Шу ўринда бир мақолни келтириб ўтишни ўринли деб биламан. Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади дейишади.

Шукур қилишимиз керак. Бошқа республикаларга қараганда бизнинг диёримизда осойишталик. Ҳукуматимиз ана шу хотиржамликни сақлаш учун катта иш қилянти. Сессиямиз очилган куни Президентимиз Ислом Каримов энг катта бойлигимиз — тинчлик деганларида минг бор ҳақ эди. Тўғри, иқтисодимиз мақтанарли эмас. Етишмовчилик ва қийинчиликлар бор. Хўш, ҳозир кимга осон? Мустақиллик сари юз тутган мамлакатимиз энди оёққа туряпти. Унга ўз қаддини тиклаш учун вақт ва имкон керак. Биз буни тўғри тушунишимиз лозим. Эркинлигимизнинг ўзи катта бир бахт. Баҳслашиш, тарафкашлик ўрнига бир ёқадан бош чиқариб, ягона мақсад сари жипслашиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашимиз керак. Халқ депутатларининг куни кеча ўз ишини якунлаган анжуманида ҳам халқимизнинг хоҳиш-иродаси, орзу-истакларини рўёбга чиқаришга қаратилган муҳим ҳужжатлар муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Жамоамиз меҳнат аҳли 400 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил олиш учун айни кунларда ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Уларнинг яхши меҳнат қилиб, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитларни яратиб беряпмиз. Хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида қатор кичик корхоналар очляпти. Кейинги вақтда пиллани қайта ишлайдиган ҳамда 60 қиз-жувон ишлаётган болалар ва аёллар иссиқ кийимларини тўқийдиган цех очилди. Консерва цехи, гишт ишлаб чиқарадиган кичик завод эса ишлаб турибди. Қисқаси, одамларимиз ўз юмушлари билан банд. Бақириқ-чақириқ йўқ.

Уларнинг нияти холис, — элимизнинг тинч, хотиржам бўлишини хохлайдилар. Бугуннинг талаби ва халқимизнинг тилаги ҳам шу.

Р. ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ИШЧАНЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ана шу долзарб масалаларга жавоб олдилар. Фикримча, мунозаралар ҳам амалий тусда бўлаётир.

Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири, халқ депутати Муҳаммаджон Хўжаев:

— Парламентимизга ҳам энди-энди кўникаяпмиз. Чунки ўтган сессияларда анча-мунча камчиликлар бўлди. Буни инкор қилиб бўлмайди. Ишимизда қанчалик оғир-босиқ, андишали бўлсак, парламент маданиятини тўлароқ эгалласак, қабул қилажак қонун ва қарорларимиз ҳам шунчалик пишиқ бўлади. Бу ўринда Олий Кенгаш аппаратлари ходимларининг ҳам ташкилий-техник ёрдамлари зарур, албатта. Биз иложи борича парламент маданиятига амал қилишимиз керак.

Танаффус пайтида яна бир халқ депутати—Фарғона районидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги иқтисодчиси Маърифатхон Сайфутдинова билан гаплашдик.

— Менга Президентимизнинг маърузаси жуда маъқул бўлди, — дейди у. — Унда доно фикрлар айтилди. Кўпчилик депутатларнинг кўнгилларидаги саволларга ҳам жавоб бериб кетдилар. Республикамиз мустақилликка эришганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин биз бу мустақилликка қандай эришдик? Президентимиз айтганларидек, республика мустақиллигига ҳеч бир қон тўкмасдан мушарраф бўлдик. Бу жуда ҳам катта воқеа, бахт. Биз бунинг моҳиятига тушунишимиз керак. Эндиги вазифа мустақилликни мустаҳкамлашдан иборат. Ўтган қисқа даврда Президент, ҳозирги ҳукумат жуда катта ишларни амалга оширди. Иқтисодиётимиз тобора қад кўтармоқда. Чет эллар билан алоқамиз мустаҳкамланиб боряпти. Президент айтганидек, дон масаласи ҳал бўлибди. Президент сафарлари ҳам самарали бўляпти. Мана, Индонезия 100 миллион берибди.

Республикамизда тинчлик, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг ҳукм сураётгани бу одил сиёсатнинг натижасидир. Бу сессияда ҳам кўпгина муҳим масалалар устида талашиб-тортишиб, бир ижобий қарорга келаётганимиз мени қувонтиради.

Мен аёлман, мен онаман. Биз оналарни, айниқса, фарзандларимизнинг тақдири, армия масаласи кўпроқ қизиқтиради. Президентимиз бу борада ҳам одилона фармойиш бердилар. Унга кўра бир оилада армияда акаси хизмат қилаётган пайтда ҳалок бўлган бўлса, унинг укаси армияга олинмасин, деб айтилган эди. Аммо кўпгина ҳарбий комиссариатлар томонидан бу фармон тўла бажарилмаяпти. Биз истаймизми, истамаймизми, МДҲ давлатлари шартномасига кўра ўғилларимиз контракт асосида бошқа республикаларда хизмат қилиши керак. Ҳозирда армиядаги аҳвол ҳаммага беш қўлдек маълум. Тартиб-интизом йўқ... Барча чақирилувчиларнинг эса Ўзбекистонда хизмат қилиши мумкин эмас. Бас, шундай экан, бу ҳарбий қисмларда, армияда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатишимиз, йигитларни байналмиллалик руҳида тарбиялашимиз керак бўлади. Агар контракт асосида хизмат қилаётган йигит армияда шикастланса (бундай бўлмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди) унинг хунини ким тўлайди? Унинг ота-онаси дард-аламига, йигитнинг маънавий эзилишларига ким чидайди? Йигитларимизнинг армиядан майиб-мажруҳ бўлиб келишларига қайси ота-она чидайди? Биз, оналарни ана шу масалалар ўйлантиради. Сессия кун тартибига армия, мудофаа масалалари киритилиб жуда тўғри қилинган. Биз, депутатлар шу борада оқил бир фикрга келишимиз керак...

Ўнинчи сессия Ўзбекистон давлати истиқлол йўлида мустаҳкам одим ташлаётганлигини намойиш қилди. Президент нутқида таъкидлаб ўтилганидек, иш жуда кўп: мустақил республиканинг дахлсиз қонунларини ишлаб чиқиш, амалдагиларини ҳаётга дадил татбиқ этиш лозим. Хуллас, гапбозлик эмас, амалий ҳаракат зарур. Депутатлар эртанги кунга комил ишонч билан шаҳар ва қишлоқларига жўнаб кетдилар.

А. АБДУБАННОПОВ,
Т. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг парламент мухбирлари.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ОДАМНИНГ КЎНГЛИ НОЗИК

● ХДП Ульянов район кенгаши аппарати бошланғич ташкилотига партия аъзоси, район электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Олим Тўраевдан ариза тушди: «Мени ХДП аъзолигидан чиқаришингизни сўрайман». Хўш, ўзи нима гап? Партиянинг нуфузи ошиб бораётган пайтда жиддий бир ташкилот раҳбари нега бундай хулосага келди? У партияга ишонмаяптими? Балки, бу иши билан «шуҳрат» қозонмоқчидир.

УНИНГ аризасини бошланғич ташкилотда кўришди. Партия аъзолари томонидан «нега, нега» деган асабий саволлар кўп берилди. «Мен партия сафида туриб сиёсий ишларни олиб боролмаяпман. Умуман ХДП сафида бўлишни хоҳламайман». Жавоблар шундай кескин бўлди. Бу баъзиларга менсимай гапирилгандай туюлди. Баъзилар холислигича қолди.

Илгари бирор лавозимга кўтарилиш ёки раҳбарлик курсисига маҳкамроқ жойлашиб олиш учун ҳам КПСС сафига ўтишарди. Бунинг учун ҳар қандай воситалар ҳам ишга солинаверарди. Тасаввур қилиш қийин. Баъзида партияга ўтиш ҳам дорилфунун дипломини олиш билан тенглашиб қолганди. Олим Тўраевнинг ўзи ҳам КПСС сафига ўтиш учун озмунча елиб-югурмаганди. Ўртага тушган одамлар гувоҳ. Райкомдагиларнинг қулоқларини қоқиб қўлга берганди. Ҳақиқатан ҳам у 1989 йили КПСС сафига киргандан сўнг амалдорликнинг юмшоқ курсисига яхшилаб ўтириб олди. Кимсан — Олим Тўраев, район электр тармоқлари корхонаси бошлиғи. Ҳурмат-эътибор ёмон эмас. Район миқёсидаги йиғинларда давранинг тўри ҳам уники. ХДП Низомида эса партияга аъзо бўлиш партия аъзосига ҳеч қандай имтиёз бермайди, жумладан, унга мансаб ва вазифа ҳам бермайди деб кўрсатиб қўйилган. Агар «имтиёзни» назарда тутган бўлса, у қаттиқ янглишади.

Район кенгаши аппарати бошланғич партия ташкилоти йиғилишида Олим Тўраевга «КПССдан ХДПга ўтмаслигингиз мумкин эди-ку. Нега ХДПга қайта рўйхатдан ўтдингиз?» деган саволлар берилди. «Ўзим билмаган ҳолда ариза берибман». Бу жавоб ҳеч кимни қониқтирмаслиги табиий, албатта. «Ўзим билмаган ҳолда». Нима, ғўрликми бу ёки ўйламай-нетмай иш тутишми?

Бошланғич партия ташкилоти ХДП аъзоси О. Тўраевнинг берган аризасини маълумот учун қабул қилиш ва унинг бошланғич партия ташкилоти билан алоқасини узиб қўйганлиги ҳамда аъзолик бадалларини узлуксиз тўламай келганлиги учун ХДП Низомининг 5-бандига биноан партия сафидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди.

Районнинг ХДП сафидан чиқиши билан боғлиқ узунқулоқ гаплар яшин тезлигида атрофга тарқалди. Олий маълумотли, баъмани одам бўла туриб, нега бундай қарорга келди? Эҳтимол район партия кенгаши аппарати бошланғич ташкилоти шошма-шошарлик билан қарор чиқаргандир. Ахир ҳар бир партия аъзоси тақдири билан чуқурроқ шуғулланиш, қизиқиш, ноўрин камситилишдан ҳимоя қилиш бошланғич ташкилот ва партия кенгашининг вазифаси эдику. Ана шундай мулоҳазаларга бориб, унинг ўзи билан учрашишга ва суҳбатлашишга аҳд қилдик. Суҳбат пайтида шу нарса маълум бўлди-ки, Олим Тўраевнинг ўзини оқлайдиган жиҳатлари ҳам бор экан.

— Мен асли шу ерлик, Касби қишлоғиданман, — дея гапни узоқдан бошлади у. — 1980 йили Тошкент политехника институтини битириб инженер-электрик ихтисосини эгаллагандим. Иш фаолиятимни ўша йили Қашқадарё электр тармоқлари корхонасида оддий инженерликдан бошлаганман. Бир йил ўтгач Ульянов район электр тармоқлари корхонасида энергия назоратчиси вазифасига ўтказишди. Мастер-инженер, бошлиқ ўринбосари бўлиб ишладим. 1988 йили июль ойида сайлов йўли билан бошлиқликка сайлашди. Ўшандан бери бор кучимни аямай ишлаб келаяпман. Менга гўё КПСС аъзолиги мансаб берганмиш. Худо ҳаққи ишонинг, партияга вазифага эришгандан кейин ўтганман. Партия ташкилоти билан алоқани узиб қўйган деган ёрлиқни ҳам ёпиштиришди. Бунга ҳам мен айбдорми? Очиғи биз кам сонли, бор-йўғи корхонада 3 нафар ХДП аъзоси эдик. Бизни район партия кенгаши ўз аппаратига олган экан. Хабаримиз йўқ. Анча вақтгача мен қайси ташкилот ҳисобида эканлигимни билолмай ҳам юрдим. Бу ҳақда район партия кенгаши масъул ходими Комил Гулмуродовга мурожаат қилгандим. У аниқлаб беришга ваъда бердию, кейин жимиб кетди. Билсам ўзи ҳам бошқа ишга ўтиб кетган экан.

Бу ҳам майли. Умуман партия фаолларидан кўнглим қолди. Ҳали ҳам улар адолат билан иш тутишмайди. Шу йил 2 январда Алишер Навоий номли совхознинг 2-бўлимида яшовчи Шоди Ғозиев хонадонида электр энергия бўлмаганлиги сабабли ишлатилган шамдан ўт чиқиб, катта ёнғинга айланганлигига гўё мен айбдордек бўлиб қолдим. Халқ депутатлари район Кенгаши раёсатида муҳокама қилишди. Менга қаттиқ ҳайфсан беришди. Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ХДП аъзолари эди. Биринчи котиб А. Жабборов ҳам муҳоқамада қатнашганди. Бирор киши мени тингламади, тинглашни ҳам истамади. Хуллас, тақдирим билан қизиқмади. Аввалгидай ҳамма раислик қилувчининг оғзига қараб қўл кўтариб нотўғри қарорни тасдиқлашди.

Бу борада Олим Тўраев фикрини маъқуллаш қийин. Аммо, электр энергияси вақтида уланмаганлиги аниқ. Бунинг оқибатида бутун бошли хонадонда ёнғин чиқиб катта моддий зарар кўрилганлиги ҳам аниқ. Энг даҳшатли томони шундаки, мудҳиш фожиа рўй берган: шу хонадоннинг икки фарзанди ўт ичида қолиб, ҳалок бўлган. Хўш, бунга ким бориб текканда кўзимиз ярақлаб очилади. Агар оқиллик билан мулоҳаза юритадиган бўлсак, ҳар бир нарсага раҳбарни, айниқса содир бўлган воқеага унга бевосита тааллуқлими, йўқми, фарқига бормай, чуқур текширмай, шоша-пиша барча масъулиятни унинг зиммасига юклаб, айбдор саналиш ҳам унчалик тўғри эмас. Мана, Олим Тўраев бу ҳақда нима дейди: — Ана шу сабабларни ҳисобга олиб, ХДП сафидан чиқмоқчи бўлдим. Бу тўғрида ХДП район кенгаши масъул ходими Ҳаким Турдиевга учрашиб, аризани кимнинг номига ёзишим хусусида маслаҳат сўраган эдим. Ундан аниқ жавоб ололмадим. Шундан кейин таваккалига ХДП район кенгаши биринчи котиби Арслон Жабборов номига ариза ёзиб, иккинчи котиб М. Шониевга қолдирдим. Бу март ойининг бошларида бўлган эди. Ўшанда иккинчи котиб мени бу йўлдан қайтариш учун кўп уринди. Тушунтирди. Очиғи кўнмадим.

Орадан ойлар ўтди. Район кенгашида аризам йўқолибди, шу сабабли ўзим ҳисобда турган район партия кенгаши аппарати бошланғич ташкилотига яна қайта ариза ёзишимни айтишди. Ёздим. 5 майда бошланғич ташкилот йиғилишига таклиф қилишди. Ўша куни партия аъзолари кам келгани учун йиғилиш бошқа кунга қолдирилди. Хуллас, 11 май куни тақдирим ҳал бўладиган бўлди. Муҳокама жараёнида «партияга мансаб учун ўтгансиз. Бошқа партияга ўтмоқчимисиз?» каби асабга, иззат-нафсга тегадиган гаплар қайтарилаверди. Мен бўлсам йўқ, шундай ўйласангиз янглишасиз, мен аслида партия аъзоси тақдирини бошқа нарсага ярамай қолгани учун ундан юз ўгириш инсофдан эмас. Бунга шунингдек район партия кенгаши аппарати ходимлари фаолиятидаги ожизлик аломати деб ҳам қараш мумкин. Улар ишида фаоллик етишмаётгани, мустақил ҳаракат қилинмаётгани аппарат ходимлари фаолияти билан танишиш жараёнида яққол сезилиб қолди.

Биз партия кенгаши бошланғич ташкилоти котиби К. Мавлоновга ХДП аъзоси тақдири билан жиддий шуғулланганда, эҳтимол район ташкилотининг бир раҳбари партия сафидан чиқмасмиди, деган мулоҳазани ётиғи билан уқтирмоқчи бўлдик.

— Бу фақат биттагина факт. Лекин ёмон ишлаётганимиз ҳам йўқ, — деди у писанда қилиб. — Фаолиятимизни вилоят партия кенгашидагилар ҳам юқори баҳолашяпти...

Бу ерда гап яхши-ёмон ишлашда ҳам эмас, партия дастурида айтилганидек батартиб, софдил ва ҳалол иш тутишда. Қисқа қилиб айтганда, ХДП аъзоси бўлган раҳбарни тўғри йўлга солиб қўйишда. Тўғри, кимнинг қандай иш қилиши, партиядан чиқадими-чиқмайдими ҳар кимнинг ўзига, виждонига боғлиқ. Лекин, фаолиятимиз ёмон эмас, деб ўзига бино қўйиш қуруқ сўзамоликка олиб келиши, қолаверса панд бериб қўйиши мумкин.

Партия ва жамият ҳаётида ўтиш даври бўлаётган ҳозирги вақтда озгина лоқайдлик билан иш тутиш ҳам хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Ана шуларни ўйлаб, қарс икки қўлдан чиқмаяптимикан деган хулосага боргинг келади. Аввало ҳар кимнинг ўз нуқтаи назари бўлмоғи керак. Тўғри биз бу соҳада оқсаяпмиз. Бундан эса мухоллифлар яхши фойдаланишади. Агар партия ташкилотига, ҳар бир ХДП аъзосига нисбатан талабчанлик ва эътибор оширилса, партия ташкилотлари жозибадор куч сифатида оммани ортидан эргаштира олса, шубҳасиз биз юқорида келтирган якка-ёлғиз кўнгилсиз воқеанинг олди олинган бўларди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Пайариқ район кенгаши бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш борасида яхши тажриба тўплаган. Кенгаш қошида «Халқпарвар» кичик корхонаси ишлаб турибди. Бу ерда пахтани тозитлаш, жемпер тўқиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Кичик корхона «Самарқанд» жамоа хўжалигида қурилиш ишларини ҳам бошлаб юборди.

Дарвоқе, яқинда вилоят партия кенгаши бюроси пайариқликларнинг бу тажрибасини кўриб чиқди ва маъқуллади.

СУРАТДА: (ўнгдан биринчи) район партия кенгаши биринчи котиби Ф. Хўжанафасов бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан суҳбатлашаётир.

Т. ФАРМОНОВ олган сурат.

• Бугун—халқаро матлуботчилар куни

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Халқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолини турли-туман моллар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришда матлуботчиларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Жаҳон матлуботчилари бу йил етмишинчи маротаба ўз касб байрамларини нишонламоқда. Хўш, Ўзбекистонлик матлуботчилар бу санага қандай ютуқлар, муаммолар билан келдилар. Ютуқларни мустаҳкамлаш, муаммоларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар кўриляпти. Мухбиримиз К. Рихсиевнинг ушбу саволларига Ўзбекистон матлубот жамиятлари республика уюшмаси Ўзбекбирлашув бошқаруви раисининг биринчи муовини Абдураҳмон МАНСУРОВ қуйидагича жавоб берди.

Бугунги кунда Ўзбекбирлашув 15 миллионга яқин республика аҳолисига хизмат кўрсатувчи йирик ташкилот ҳисобланади. У 3,5 миллиондан кўпроқ бўлган пайчи аъзоларига эга бўлиб, 500 дан ортиқ кооператив ташкилотларни бирлаштиради. Унинг хўжалик фаолиятида фақатгина савдо эмас, балки умумий овқатланиш, ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш тармоқлари мавжуд.

Шундай қилиб, Ўзбекистон матлубот кооперацияси йирик ривожланган структурага эга бўлган савдо хизмати кўрсатиш вазифасидан ташқари иқтисодий-ижтимоий вазифаларни ва аҳолини меҳнат билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилувчи тармоқдир.

Аммо матлуботчиларимизнинг асосий вазифаси қишлоқ меҳнаткашларининг кундалик талабини қондиришдир. Айни пайтда қишлоқ аҳолисига 24 минг чакана савдо корхоналари, шу жумладан 19 мингта дўкон, 13 мингта умумий овқатланиш корхоналари, 123 йирик нон заводлари хизмат кўрсатмоқда. Кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхоналари ҳар йили 700 минг тонна нон ва нон маҳсулотлари билан республика аҳолисининг 60 фоизини таъминлайди.

400 дан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш корхона ва цехларида мева-сабзавот консервалари, қандолат маҳсулотлари, пиво ва спиртсиз ичимликлар, қуруқ мева ва сабзавотлар, колбаса ва пишлоқ, музқаймоқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 700 минг тонна мева-сабзавотларни ва 4 минг тонна гўштни қайта ишлаб, қишлоқ хўжалигини ва шахсий хўжаликни рағбатлантиради.

200 га яқин корхона ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш билан банддир. Ҳозирги кунда товар оборотининг ҳар 3 сўми ўзимизга тегишли корхоналарда ишлаб чиқарилган молларни сотишдан тушаяпти. Матлубот жамиятлари моддий-техника базаси ҳам тобора ривожланмоқда. Унинг мустаҳкамланишига шу йилнинг ўзида капитал қурилиш учун 200 миллиондан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ўстириш учун 31 корхона ишга туширилади. Шу жумладан 13 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган Қува қандолат фабрикаси, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида йирик ғишт заводлари қурилиши бошлаб юборилган.

1992—1993 йилларда 10 та консерва корхонаси қурилиши мўлжалланган. Бунинг эвазига барча шундай корхоналарнинг қуввати 150 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқаришга етади. Бу тадбирлар натижасида қўшимча 15 минг киши иш билан таъминланади.

4 минг квадрат метр турар жой, 280 ўринли иккита болалар боғчаси, Хумсон санаториясида 200 ўринли корпус ишга туширилади.

Республиканинг узоқ районларига зарур маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришга алоҳида эътибор беряпмиз. 1,5 минг аҳоли пунктларида кўчма савдо ташкил қилинган. Мингдан кўпроқ автомагазинлар аҳоли хизматида.

Республика матлубот кооперацияси қайта ишлаш ва умумий овқатланиш корхоналарини гўшт билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши туфайли аҳолини марказлашган тартибда моллар билан таъминлаш барҳам топди. Биз бундан меҳнаткашлар зарар кўрмаслиги учун ички имкониятларни қидиряпмиз. Масалани ҳал қилиш учун тижорат ишини ташкил қилиш ва хусусий кооператив банк ташкил қилиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Республикамиз давлат мустақиллигини қўлга киритгач чет эллар билан алоқалар кучайди. Ҳозир Ўзбекбирлашув Австралия, Греция, АҚШ, Испания, Хитой, Афғонистон ва бошқа мамлакатларнинг фирмалари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузган. Улар асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, идишларга жойлайди, жун-тери хом ашёсини ва турли матоларни ишлаб чиқаради.

Биз ўз ишимизни янада яхшилаш орқали халқимизнинг мол ва хизматларга бўлган эҳтиёжини тобора кўпроқ қондиришни кўзлаб турибмиз. Шу мақсадда бошқариш структурасини такомиллаштириш, кооператив ташкилотлар билан ўзаро муносабатни уйғунлаштириш, улгуржи бўғин билан чакана савдо ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш ва уларнинг пировард натижада манфаатдорлигини ошириш истиқболлари ўрганилмоқда.

Бошқарув аппарати қисқармоқда. Улар сони 1990 йилга нисбатан 110 кишига қисқариб, ҳозир 153 кишини ташкил этяпти. Истеъмол бозорини мол билан тўлдириш, савдони ташкил этишни яхшилаш, уни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда

Аммо, бозорнинг таркибий қисми бўлган матлубот кооперацияси бу муаммоларни ечиш йўлларини топишга қодир. Улар муаммоларнинг қийинлиги ва масъулиятини тушиниб, уларни ҳал қилиш устида астойдил изланмоқдалар. Мақсадимиз қишлоқ аҳолисини моллар билан тўлиқ таъминлаш ва юқори савдо хизмати кўрсатишни аъло даражага кўтаришдир.

• НУҚТАИ НАЗАР •

ТАЛВАСА

«Известия» рўзномасининг шу йил 24—25 июнь сонларида босилган Николай Андреевнинг «Средняя Азия без Москвы» («Москвасиз Ўрта Осиё») деб номланган мақоласини шундай деб атадик. Бу бежиз эмас. «Известия» рўзномаси Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда рўй бераётган воқеаларга қора кўзойнак билан қараб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аввало бир нарсани айтиб ўтиш керак. Ўрта Осиё давлатлари, яъни собиқ СССР республикаларида ўзларининг янги Конституциялари қабул қилинаётгани ҳамда шунга тайёргарлик кўрилаётгани баъзиларни тинч қўймаётганга ўхшайди. Боиси яқинда Туркманистонда қабул қилинган Конституцияда рус тили миллатлараро муносабатлар тили сифатида қабул қилинмади. Яқин вақтлар ичида Ўрта Осиёдаги бошқа жумҳуриятлар қатори Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ҳам қабул қилинади.

Мақолани таҳлил қиларканман шу нарсага амин бўлдимки, жумҳуриятимиздаги барқарорлик ва осойишталик муҳолифларимизга ёқмаётган кўринади. Осойишталик меҳнаткаш халқимизни иқтисодий таназзулдан тезроқ олиб чиқишда асосий омил эканлигини тушуниб олишга мақола муаллифи Н. Андреевнинг идроки ожизлик қилибди. Унинг «Мухолифатдаги демократик кучларнинг ярим яширин ҳолда иш олиб бораётганлиги» ҳақидаги сўзлари ҳам ғирт ёлғон эканлигини айтмай илож йўқ. Н. Андреев хаёлпарастлик билан ўзича ўзбек ва қирғиз матбуотини таққослаган. У Ўзбекистон матбуотида цензура борлигини исботлашга ҳаракат қилган-у, аммо ҳозир, масалан, биргина Андижон вилоятининг ўзида бир неча сиёсий оқимлар ва ўндан ортиқ рўзномалар фаолият кўрсатаётганини ҳаёлига ҳам келтирмаган. Демак, Н. Андреев ўз мақоласини Ўзбекистондаги аҳволни чуқур билмасдан бир ёқлама ёзган.

Муаллиф мақолада жумҳурият иқтисодиётидаги муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган. Иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши йўлида жумҳуриятимизда қилинаётган ишлар кўплигини эслатган. Лекин унинг миллатлараро муносабатлардаги муаммоларни «байроқ» қилиб олиши ҳар қандай кишининг ҳам ғашига тегади. Қаранг, «бу ерда рус тилида сўзлашувчи аҳолини Болтиқ бўйидагидек босқинчилар деб аташмайди. Уларга қарши очиқ ҳаракат қилиш ёки ҳарбий ҳаракат йўқ», «Аммо улар Ўрта Осиёни ташлаб чиқиб кетмоқдалар»,— деган жумлаларни ўқиб ёқа ушлайсан киши. Тавба, муаллифнинг антиқа фикр юритишича рус миллатига мансуб аҳоли маҳаллий тил республиканинг давлат тилига айлантирилгани учунгина кўчиб кетаётган эмиш. Шунчалик ғаламислик, ичқоралик, қўролмаслик ҳам бўладими?!

Ажабо, Н. Андреев «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг бандлари ва қоидалари билан танишмай туриб, айрим кишиларнинг «хасратлари»ни жон қулоғи билан эшитади, уларнинг ўзбекча нутқларни яримёрти англаётгани ҳақидаги гапларини дастак қилиб, ноғора қоқмоқчи бўлади. Бироқ у ўз фалсафасини асослаш учун келтирган мисоллар бутунлай ёлғон эканлиги, орадан кўп ўтмай очилиб қолди. Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакомпаниясининг юк ташиш бўлими бошлиғи Юрий Хохлов республика рўзномаларидан бирида ўзи айтган гаплар мақола муаллифи томонидан бутунлай бузиб талқин этилганини ошкор этди. Шуни айтадиларда ёлғоннинг умри қисқа деб.

Энди гапнинг сирасига кўчадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси миллат вакили маҳаллий миллат тили, урф-одати ва тарихий қадриятларини ҳурмат қилиб яшаши керак. Бу—ҳаёт ҳақиқати. Ундан сира кўз юмиб бўлмайди.

Умуман олганда мақоладан миллатлараро муносабатларда низо чиқариш ҳиди анқиб турибди. Бу Н. Андреевнинг бирдан бир мақсади. Зеро унга Болтиқбўйи, Кавказорти, Тожикистон, Молдовада рўй бераётган воқеалар камлик қилаётганга ўхшайди. Акс ҳолда у собиқ иттифоқдаги тинч ўлкага—Ўрта Осиё минтақасига қора кўзойнак тақиб қарамасди. Афтидан, собиқ Марказ рўзномаси «Известия» қитмирлик касалидан яқин ўртада тузалмайди, шекилли.

Н. ШОКИРОВ,
ХДП Андижон вилоят Кенгашининг биринчи котиби.

ФАХРИЙЛАР МИННАТДОР

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг пенсиялар, стипендиялар ва бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорини ошириш ҳақидаги фармонини аҳоли мамнунлиги билан кутиб олди. Ҳозирги қийин ўтиш даврида миллионлаб ўзбекистонликлар давлатнинг ғамхўрлигини яна бир бор ҳис этдилар.

Фахрийлар — Улуғ Ватан уруши жабҳаларида жанг қилган, уруш йилларида ва тинч қурилиш йилларида мамлакатда фидойилик билан меҳнат қилган кишилар алоҳида миннатдорчилик билдирмоқдалар. Фахрийлар ташкилотлари республика уюшмаси кенгашининг раиси Р. Ғуломов уруш, меҳнат ва қуролли кучлар фахрийлари, республикадаги барча пенсионерлар номидан Ўзбекистон Президентига йўллаган мактубида шу ҳақда гап боради. Улар Президент Фармонидан самимий миннатдор ва мамнун бўлганликларини айтиб, бу ҳужжатни кекса авлодни ижтимоий ҳимоя қилишга доир муҳим давлат ҳужжати, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишининг қийин шароитларида кекса авлоднинг ижтимоий ва маний фаровонлигининг кафолати деб билмоқдалар.

Ўз навбатида фахрийлар иқтисодиёт ва маданиятни янада юксалтириш, мустақил Ўзбекистон Республикаси истиқлолини мустаҳкамлашга, меъёрий турмуш шароитини, республикадаги халқларнинг фаровонлиги ва равнақини таъминлашга доир саъй-ҳаракатларга ҳар томонлама кўмаклашиш учун кучимизни, билимимизни, ҳаётий тажрибамизни аямаймиз деб Президентга, ҳукуматга ваъда бермоқдалар.

(ЎзА).

• ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИДА •

Ёрдамчи хўжалик мадади

● Тўрткўл районлараро моддий-техника таъминоти корхонаси ёрдамчи хўжалиги яхши манфаат келтирмоқда. Ишчиларни гўшт-сут билан таъминлашда у яхши хизмат кўрсатмоқда.

Ёрдамчи хўжаликда 54 бош қорамол бор. Шундан 15 таси сигир. Ҳозир улардан 7-8 таси соғилаяпти. Кунига соғиб олинаётган 60-70 килограмм сут ишчиларга арзон баҳода сотилмоқда. Бундан ташқари, корхонада ишлаётган ҳар бир ишловчига ўтган 5 ойда 12 килограммдан арзон баҳода гўшт етказиб берилди.

— Буларнинг ҳаммаси ёрдамчи хўжалик ҳисобидан бўляпти, — деди корхона бош иқтисодчиси Шавкат Зарипов. — Гўштга сўйилаётган қорамолнинг тирик вазни 360 — 380 килограмманга тўғри келмоқда. Сўйилган молларнинг ўрнини бузоқлар ҳисобидан тўлдириб бормоқдамиз.

Ёрдамчи хўжаликка Ҳусанбой Кашев раҳбарлик қилмоқда. Қорамолларни ёзин қишин ем-ҳашак билан таъминлаш мақасадида 66 гектар майдон ажратиб берилган. Шундан 30 гектарида озуқабоп экинлар парвришланмоқда, 15 гектар майдонда маккажўхори, 9 гектар ерда беда гуркираб ўсяпти.

Корхона ёрдамчи хўжалиги озуқабоп экинлар уруғини ҳам ўзида етиштиради. Бу йил ҳар гектардан 25 центнердан уруғлик маккажўхори етиштириш мўлжаллаб қўйилди.

Бу ерда чорвачиликнинг тез суръатлар билан ривожланишига эътибор бериляпти. Йил охиригача яна ҳар бир ишловчига 12 килограммдан гўштни арзон баҳода етказиб бериш чоралари кўрилмоқда. 100 бош қўй бўрдоқига боқилмоқда. Мабодо, корхонанинг ишчилари, муҳандис-техниклари, хуллас ходимлардан кимдир тўй-маъракa қиладиган бўлса, энг арзон баҳода гўшт сотиб олишга шароит яратилмоқда. Шоли, қовун-тарвуз ва сабзавотлардан кузда ишчиларга тақсимлаб бериш ҳам режалаштирилган.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ҲАРАКАТДА — БАРАКАТ

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

● Қизилтепа районидаги «Бўстон» давлат хўжалиги соҳибкорлари айни кунларда эл дастурхонига сарҳил мевалар етказиб беришяпти. Бу борада хўжаликнинг 3-бўлими боғбонлари иши ибратли.

Соҳибкорлар қисқа вақт ичида эртапишар ўриклардан шаҳарликларга 35 тонна етказиб беришди. Ўрик териш ва топшириш, айниқса, Рамазон Мансуров етакчилик қилаётган мевачилик бригадасида намунали ташкил этилган.

— Ўрик ва олма териш бошқа бўлимларда ҳам қизғин олиб борилмоқда, — дейди хўжалик мева-узумчилик агрономи Бахтиёр Бердиев. — Биз бу йил Учқудуқ, Навоий, Зарафшон шаҳарлари аҳолисига 120 тонна сарҳил мева етказиб берамиз.

СИФАТЛИ, НАРХИ ЭСА АРЗОН

● Озиқ-овқат маҳсулотлари тақчил бўлган шароитда Жиззах вилоятида кейинги йилларда деҳқонларга ер ажратиб берилиши, фермер (деҳқон) хўжаликларига кенг йўл очиш туфайли бозор расталари яна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўла бошлади. Бу борада Жиззах вилоят мева-сабзавот тайёрлаш уюшмаси томонидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу уюшма Дўстлик районида жойлашган. Бундан мақсад чўлқуварлар дастурхонини етарли миқдорда мева-чева, сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш. Биргина шу районда бу ташкилотнинг еттита дўкони бор. Уюшманинг Арнасой, Пахтакор, Фориш, Жиззах, Мирзачўл районларида ҳам махсус дўконлари ишлаб турибди. Яқин вақт ичида бу савдо дўконлари сони 41 тага етказилади. Ташкилот кучи билан иккита жувозхона ишлаб турибди. Қандолат цехи ташкил этиляпти. Тайёрловчилар томонидан новвот, парварда, майиз, зиғир ёғи, пиёз, янги картошка, сабзи ва бошқа маҳсулотлар аҳолига бозор нархидан арзон нархда сотиляпти. Қодир Примов, Холмўмин Қодиров сингари тайёрловчилар биргина Дўстлик райони аҳолисига 25 минг сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб бердилар.

Тайёрловчилар шартнома асосида Сурхондарё вилоятининг Денов райони хўжаликларидан эртаки пиёз, сабзи, картошка олиб келиб, дўконларда арзон нархда сотишди. Ҳозир Дўстлик шаҳрида консерва заводини қуриш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланяпти.

Т. СОИНАЗАРОВ.

Қувасой чинни буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида истеъмол бозорида тақчил бўлган чинни идишлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериляпти. Корхона ишчилари қўлида жило топаётган чойнак, пиёла, лаган ва бошқа сифатли чинни буюмлар кўпчилик аҳолига манзур бўлмоқда. Шу боис қувасой ёрлиғи босилган маҳсулотлар туриб қолгани йўқ. Истеъмолчилар уларни севиб харид қилишяпти.

Суратда: чиннига жило берувчи уста Т. Аҳмедова.

Суратқаш: Н. РАҲМОНОВ.

Касбини эъзозлаётганлар

● Узун бўйли, юзи қуёшда мисдек тобланган Раҳмат Ражабовни хўжаликда уста пахтакор дейишади. Кўришиш учун қўл узатар эканман, дағал кафти бармоқларимни омбирдек исканжага олди. Бу кафтдан бир умр кетмон тушмаган. Қирқ йилдан ошяптики, у Бухоро район «Янги турмуш» жамоа хўжалиги аъзоси. Ўн беш йил механизаторлик қилди. Сўнг йигирма беш йил пахтачилик бригадасига бошчилик қилди. Ҳозир хўжаликнинг илғор бўлими бошқарувчиси.

Ҳа, жамоа хўжалиги бошқаруви яқинда пахтачилик бригадаларини тўрт бўлимга ажратишга қарор қилди. Кенг жорий этилган ижара ва бригада пудрати шуни тақозо этди. Хўжалик бошқаруви ва ижарачи ўртасида шартнома мажбуриятлари тўла-тўкис бажарилиши учун икки ўртада кимдир воситачилик қилмоғи лозим. Бўлим бошқарувчиси шу вазифани бажаради. Бундан ташқари бўлим бригадаларини техника, минерал ўғит, бошқа зарур ашёлар билан таъминлаш, агротехника талабларига риоя этилишини назорат қилиш ҳам унинг бўйнида.

Жамоа бошқаруви бу лавозимга амалий ёндашиб, уста пахтакорларни тавсия этди. Раҳмат ака шулардан бири. Бу ишга ўтганига ҳали бир йил бўлгани йўқ. Илгаригидек даладан бери келмайди. Ўтган йили у бошлиқ бригада яна қирқ центнердан ҳосил топширди. Йигирма уч йиллик бригадирлик фаолиятида фақат бир марта бундан паст ҳосил етиштиришгани эсида. Унга ҳам табиий офат сабабчи бўлганди.

Ўшандан буён «мулла» бўлиб қолган. Бу йилги офатлар ҳам уни эсанкиратиб қўймади. Унинг таклифи билан сел келган тунинг эртасигаёқ барча насослар ишга солиниб, эгатларни тўлдирган сув зовурларга чиқариб ташланди. Энди ғўзалар қуёш нурини эмиб, кун эмас, соат сайин куч-қувватга тўлмоқда.

— Насиб қилса, ўтган йилгидан кам ҳосил етиштирмаймиз, — деди у далага мамнун тикилиб. — Мен сизга айтсам, ер деҳқоннинг оёғи остидаги хазина, уни ардоқлаган кам бўлмас экан.

Дарҳақиқат, шу хазинадан баҳраманд бўлган Раҳмат ака турмуш ўртоғи Раҳматой билан ўн уч фарзандни оёққа турғазишди. Буни қарангки, бу икки меҳнаткаш инсоннинг исми ҳам бир-бирига ҳамоҳанг. Ўхшатмасдан учратмас, деб шуни айтишса керак-да.

Ўтган йили оилада ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик иш ҳақи 800 сўмни ташкил қилди. Оилада эса ишловчи кам эмас. Нақ саккиз фарзанд ота-онасининг қанотига киришган. Бир йилда оила нақд 70 минг сўм даромад олди. Турмушнинг маъмурлиги ҳам ердан.

Ҳожи Қандов, Оқмурод Жумаев, Сафар Атоев сингари уста пахтакорлар ҳам меҳнатлари эвазига обрў-эътибор топиб, жамоада ишбошчилик қилишмоқда. Исмоил Йўлдошев, Рўзиқул Бобоев, Ҳаким Аҳмедов сингари пахтакорлар уларнинг изидан боришмоқда.

ОЁҚ ОСТИДАГИ ХАЗИНА

Хўжалик ўтган йили ҳар гектардан 33 центнердан ҳосил етиштирди. Бу йил 36 центнерга етказиш ниятидалар. Чунки асосий даромад пахтачиликдан. Агар ўтган йили 13 миллион сўм даромад кўрилган бўлса, бу йил 80 миллион сўм олиш мўлжалланмоқда. Бу бир томондан фидойи меҳнат натижаси бўлса, иккинчи томондан, хом ашё харид нархларининг ошиши шарофати, албатта.

Қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш даромаднинг янги манбаи бўлмоқда. Ўтган йили деярли бир миллион сўм сарфланиб, қисқа муддатда йирик консерва заводи қурилди. Ўша мавсумдаёқ корхона барча харажатларни тайёр маҳсулоти билан қоплади. Ҳозир яна иккита линия жадал созланмоқда. Гилам тўқиш, қурилиш материаллари кичик корхоналари самарали ишлаб турибди. Айни маҳалда шифер ишлаб чиқариш корхонаси қурилишига киришилди.

— Кейинги даврда, — дейди жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Ж. Сариев, — олинаётган даромаднинг асосий қисми қурилиш, ободончилик мақсадларига сарфланяпти. Натижада нарх-наво ошганига қадар биз ўз аъзоларимизга энг зарур турмуш шароитини яратдик.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда хўжаликда қурилиш кўлами беқиёс бўлди. Чунки хўжалик ғишт заводини ишга туширди. Қишлоқларнинг барчаси қайта қурилди, савдо маркази, маданий-маиший, маърифий муассасалар тармоғи барча бригадалар хизматида. Йўллар асфальтланди, яқинда 23 колхозчи оиласи хўжалик барпо қилган янги уйларга кўчиб кирди.

Янги турмушликлар бозор иқтисодиётига пухта тайёргарлик билан кўчишди. Ҳозир улар хўжаликнинг олтмиш йиллик тўйини нишонлашга ҳозирлик кўришмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎЗ ҚУВОНАДИ

● Жумҳуриятимизнинг бошқа районларида бўлгани сингари Навбаҳор райони мевазорларида ҳам ҳозир айни пишиқчилик.

Мевали дарахтлар ниҳоятда шиғил ҳосил қилган. Айниқса ўрик, олмаларни айтмайсизми? Райондаги биргина А. Навоий номли жамоа хўжалигининг ўзида ҳозиргача 50 тонна сархил мева териб топширилди. Агар йиллик режанинг 60 тонна эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бу йилги ҳосил 150 тоннадан кам бўлмаслигидан далолат беряпти. Айниқса, Ибройим Мажидов, Абдулла Ғойипов, Фозил Собиров, Шуҳрат Бозоров сингари соҳибкорлар бош-қош бўлган мевазорлар ҳосилидан кўз қувонади.

— Биргина эртапишар Жовпазак, Оқпишар ўригининг ўзидан 30 тонна териб кончилар, олтинтопарлар шаҳри — Зарафшон ва Учқудуққа жўнатдик, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Абдуғафур Файзиев. Райондаги «Бухоро», «Наврўз» жамоа хўжаликларида ҳам ҳар куни 4—5 тоннага яқин ўрик, олма терилиб, меҳнаткашлар дастурхонига тортиқ этилмоқда.

М. ШАРОПОВ.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

6–12 июль

• 6, душанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Оқ бўталоқ». Мультфильм. 18.30 «Чорвадор». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Сайфи Жалил. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Романтика» телевизион театри. Ўткир Ҳошимов. «Инсон садоқати». 1-қисм. 22.05 «Ҳукм этилган». Бадиий фильм. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Миришкорлар». 20.25 «Билиб қўйган яхши». 20.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 21.25 «Лаҳза». Хабарлар. 21.35 «Буланка» меҳмонхонаси». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV» I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 «Якунлар». 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Марафон-15». 9.40 «Тутқич бермас август». Бадиий фильм. 11.00 Янгиликлар. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Хордиқ чиқаринг». 14.40 «Ҳаётнинг икир-чикирлари». Бадиий фильм. 15.50 Мультфильм. 16.00 «Стартинейджер». 17.00 Янгиликлар. 17.25 «НЭП». 17.55 «Авиакосмик салон». 18.10 Футбол шарҳи. 18.40 «Сариқ ўтнинг вақти». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Спорт УИК-ЭНДИ». 20.40 «Рус балети юлдузлари». Беш серияли телевизион мусиқий фильм премьераси. 1-серия. 21.45 Янги студия таништиради: «Дайджест «Пресс клуби». 00.25 «Ҳаётнинг икир-чикирлари». Телевизион бадиий фильм.

• 7, сешанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Истиқбол эгалари». Телефильм. 7.55 «Ҳукм этилган». Бадиий фильм. 9.25 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 9.55 Болалар учун. Гулмира рақсга тушади.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Жасур болакайлар». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 18.55 Спортлото. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Пахтакорларнинг долзарб вазифалари». 19.50 «Заргар». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.00 «Халқ анъаналари». «Тут сайли». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Романтика» телевизион театри. Ў. Ҳошимов. «Инсон садоқати». 2-қисм. 22.35 «Бурилиш». Бадиий фильм. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 «Севишганлар». Бадиий фильм. 11.50 «Келажагимиз мактабда».

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Меҳр уйғониши мумкин?». Телефильм.

Тижорат канали:

19.00 «Бозор иқтисодиёти йўлида». 19.20 «Мусиқали меҳмонхона». 19.55 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.15 Эълонлар. Кинонигоҳ.

«ОРБИТА IV» I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.50 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.05 Мультфильм. 9.25 «Лимпопо». 9.55 «Рус балети юлдузлари». Беш серияли телевизион мусиқий фильм. 1-серия. 11.00 Янгиликлар. 13.05 «Адам Смит бойлиги дунёси». 13.35 «Ён дафтар». 13.40 «Асрларда адашганлар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Ольга Иванова сабоқлари». 14.40 «Уч йил». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. («Мосфильм»). 15.45 Мультфильм. 16.00 «Анна». Болалар учун олти серияли телевизион бадиий фильм. премьераси. 17.00 Янгиликлар. 17.20 «Михаил Ромадин. Саёҳатга таклиф». 17.45 «Сиёсат» студияси таништиради. 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Қизил майдон. «Юлдузлар орасидаги юлдуз». Халқаро мусиқа куни. 21.50 «Вазият». 22.20 «Беш ғилдирак». 22.50 Р. Шуман. «Арабески». 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Бир боқишда муҳаббат», 1-кун. 00.20 «Овозли йўл». 00.50 «Жаннатдаги қиш». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

• 8, чоршанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Тарих таржимони», «Сополда акс этган дунё». Телефильмлар. 8.00 «Бурилиш». Бадиий фильм. 9.35 Араб тили. 10.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Даврага кел, дугонажон».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Содиқ дўстлар». Мультфильм. 18.20 «Чаманда гул». Боғча кичкинтойларининг чиқиши. 18.40 «Тадбиркорлар ҳузурида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ҳуқуқий давлат сири». 19.50 «Суянчим — шеърият». Муборак Мўминова. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров куйлайди. 22.25 «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 1-серия. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Суперспорт». 20.05 «Ҳокимият иши фаолиятидан». 21.05 «Ишбилармонлар». 21.55 «02» тўлқинида. 22.20 «Йигит — ҳамиша йигит». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV» I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.50 Мультфильм. 10.05 «Брейн ринг». 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Шахсий услуб».

13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Бу бўлган, бўлганди»... 14.35 «Уч йил». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.50 «Янги номлар». 15.55 «Анна». Бадиий фильм. 5-серия.

16.45 Сизлар билан Вивекананда. Ҳинд файласуфи — маърифатчиси ҳақида. 17.00 Янгиликлар. 17.30 «Сиёсат» студияси намойиш этади... 18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 18.45 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қора қути». 20.50 Катталар учун мультфильм. 21.00 Футбол. Россия чемпионати. ЦСКА — Уралмаш. 22.40 «Битта тақдир». Ҳужжатли фильм премьераси. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун. 00.15 «Жаннатдаги қиш». Бадиий фильм. 2-серия. 01.50 «Аргентина тангосининг яратилиши».

• 9, пайшанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Орзу». Телефильм. 7.55 «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 1-серия. 9.05 «Турк тили». 9.35 «Фермер хўжаликларида».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Асалари бўлган экан». Мультфильм. 18.25 «Болалар тиббиёти дунёси». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Алифбо сабоқлари». 19.55 Мумтоз куйлардан концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. Президент фармонига кўра. 21.45 Адабий кеча. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиеванинг ижодий кечаси. 23.45 «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 2-серия. 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 «Таллин ҳайвонот боғи». Телефильм. 11.00 «Золушка». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Бумеранг». 19.40 «Кўргазма». Р. Аҳмедов. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви. 21.40 «Пульс». Хабарлар. 21.50 Эълонлар. Кинонигоҳ.

«ОРБИТА IV» I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.50 Мультфильм. 10.00 Э. Рязанов муаллифлик кўрсатуви. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).

13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Бугун ва ўша пайтларда...» 14.55 «Аёл ташрифи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.05 «Анна». Телевизион бадиий фильм. 6-серия. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 18.50 «Ойна синиқлари» телевизион ҳужжатли фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Керосинчининг хотини». Бадиий фильм. 22.00 Катталар учун мультфильмлар. 22.15 Санкт-Петербургда «Оқ тунлар» фестивали. 00.05 «Кинотавр» Леонид Ярмольник назарида. 01.00 «Аёл ташрифи». Бадиий фильм. 1-серия.

• 10, жума

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Она табиат — умум уйимиз». Кинопрограмма. 8.25 «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 2-серия. 9.30 «Шоирлар — болаларга». 10.10 «Олий таълим — янгиланиш йўлида».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Кураш». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Китоб — ўтмиш ва келажак кўприги». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 19.50 «Маърифатнома». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Қирғизистон халқ артисти Толибжон Бадинов. Видеофильм премьераси. 22.10 «Ўзгалар бахти». Бадиий фильм. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 «Кувноқ қалблар». Телефильм. 11.00 «Чашма» фольклор ансамблининг концерти. 11.40 Болалар учун фильм. «Қуёш ҳамёнда».

«ОРБИТА IV» I КАНАЛ ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.05 Телевизион ҳужжатли фильм. 9.25 Мультфильм. 9.45 «Сергей Яковлевич Лемешев». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

13.15 «Бридж». 13.40 «Бизнес-класс». 13.55 «Ён дафтар». 14.20 «Меломанча совға». 14.55 «Аёл ташрифи». Бадиий фильм. 2-серия. 16.05 Мультфильм. 16.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 17.00 Янгиликлар. 17.25 «Инсон ва қонун». 17.55 ТВ-Нева: «Ким биз билан». 18.15 Ҳужжатли фильм премьераси. 18.45 «Леннеберглик Эмиль». Телевизион бадиий фильм. 13-серия. «Эмиль қандай қилиб қаҳрамон бўлди» (Швеция). 19.15 Кечки альбом. Н. Рубцов шеърларини А. Локтев ўқийди. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Хенсейская регата. Халқаро мусобақа. Англиядан кўрсатилади. 20.40 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Хордиқ чиқаринг», «Х» кўрсатуви», «Обоза» майдончаси.

• 11, шанба

ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Бошланади эртак...» Кинокўрсатув. 8.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Муҳаббат риштаси». 9.40 «Хушрўй» ансамблининг концерти. 10.00 «Шоҳруҳ клуби». 10.40 «Қадрият». 11.10 Учқун Назаров. «Ойна». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрининг спектакли. 12.50 «Капитан «Пилигрима». Бадиий фильм. 14.20 «Замандас» (қозоқ тилида).

Тижорат канали:

15.20 «Халқ фаровонлиги йўлида». 18.00 «Юлдузлар ҳақида эртак», «Фарруҳ ва Зумрад». Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Сиҳат-саломатлик». 19.55 «Сулола». Инъомжон Мамадалиев. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 Абдулла Орипов. «Муқаддас Ҳаж таассуротлари». 21.40 «Ғариб чоллар». Бадиий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА IV» I КАНАЛ ОСТАНКИНО

5.50 Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.40 «Спорт ҳамма учун». 8.10 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 5-серия. «Скрипка». 8.40 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?» 8.55 «Труба» радиоси. 9.25 «Марказ». 10.05 «Эльдорадо». 10.35 «Мусиқий дўкон». 11.05 «ЭХ». Экологик хроника. 11.20 «Орлеанада байрам». 11.40 «Топармон жой». Телевизион топишмоқ. 12.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Китобхона». 15.15 «Зазеркалье». Телевизион бадиий фильм. 16.55 «Браво», «Рейс 703». 17.55 «Майя ариси». 18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Коррупция» киносериясидан, «Ҳалокат». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.40 Зодиак белгиси билан. «Рак». 21.50 «Плюс, Европа». 22.45 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.00 Янгиликлар. 23.55 «СНО-ведение». Тунги кўрсатув.

• 12, якшанба

ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам». 8.00 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм. 9.10 «Мактаб, оила ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги». 9.50 Марҳум бастакорлар хотирасига бағишланган ёш хонанда ва созандалар Республика танлови ғолибларининг концерти. 11.50 «Ўзингни эр билсанг...» 12.30 Футбол майдонларида. 13.10 «Халқ севган достонлар». Гулбой Мирзаев ижросида «Таркистон». 13.50 «Фармон ва ижро». 14.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».

18.00 «Ҳўжа Насриддин», фильмлар туркумидан. 18.35 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали. 19.45 «Хаёлимда ўзинг...» Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўғилой Муҳамедова. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Хайриддин Султонов. «Чангак». Видеофильм. 22.10 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Самолёт қайтарилди». Бадиий фильм. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА IV» I КАНАЛ ОСТАНКИНО

5.20 Кўрсатувлар тартиби. 5.25 «Руҳни чиниқтириш». 6.25 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгиликлар. 7.35 «Спортлото» тиражи. 7.45 «Бувимнинг саболари». Мультфильм. 7.55 «Яқинларни асрайлик». Ҳужжатли фильм премьераси. 8.15 «Эрта саҳарлаб». 8.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин?» 9.25 «Тонг юлдузи». 10.15 «ПИ» белгиси билан. 11.05 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Кел ва кўр». 11.40 «Сиз бунга қодирсиз». 12.20 «КТВ-1» ҳамда «Транс интернациональ» таништиради. 13.00 «Ёвойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телефильм премьераси. 7-фильм. 13.20 «Марк ва Софи». Бадиий фильм. 7-фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.15 Кўрсатувлар тартиби. 14.20 «Янги авлод танлайди». 15.10 «Саёҳатчилар клуби». 16.00 «Кўп овоз — дунё битта». 16.15 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 16.55 «Уолт Дисней таништиради...» 17.45 Янгиликлар. 18.00 «Қисқача ўзим ҳақимда». 18.35 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Рой». Бадиий фильм. 21.00 «Якунлар». 21.45 «Телелоция». 22.00 Россия Маданият Академиясида мусиқий кеча. 00.50 Телевизион бадиий фильм.

ГУРУНГ

- АЛЛОМАЛАР СЎЗИ — МЕРОС
- ЧЎНТАКБОП ҚЎЛЛАНМА
- ПАЙҒАМБАРИМИЗ ПОЛВОН БЎЛГАНЛАР
- ЯНГРОҚ ОВОЗ СОҲИБАСИ
- ШИФОСИНИ БЕРСИН

• ЯХШИЛАРНИ ЭСЛАБ •

ДЎСТЛАР

● Ойбек домланинг олтмиш йиллик тўйи Санъат саройида нишонлангандан ўн-ўн беш кунлар ўтиб, у кишининг уйларига муборакбодга Собит оға билан Мариям опалар келишди. Шу баҳона бўлиб Азиз Абдураззоқ иккимиз Собит оғани бошлаб ойбек домланикига бордик. Оғани кўриб Ойбек домла меҳмонларни ўтқазгани жой тополмай қолдилар.

Меҳмондорчилик ўрталаб қолганида Собит оға билан Мариям опа Ойбек домланинг елкаларига қизил бахмал тўн ёпди, бошларига қозоқи гулдор дўппи кийгазган эди, домланинг кўзлари ёниб кетди. Тўнни кийиб, бутун ҳовлини айланиб, болаларига, келинларига кўз-кўз қилиб чиқдилар. Кўрсангиз худди ёш бола дейсиз.

Сўнг Собит оға Ойбек домладан изн сўради:

—Муса, энди бизга рухсат бер, — Мариям опага қараб қўйиб, гапида давом этди. — Биз мана бу Сориоғочдаги санаторийга даволаниш учун келган эдик. Эртароқ бормасак киритмайди. Докторларнинг тартиби шунақа экан...

— Қолмайсизми? — деб мулозимат кўрсатди Ойбек домла. — Қолинг...

— Кўниб кетинг, деяптилар, — деб домланинг гапига аниқлик киритди Зарифа опа. — Эртага борсаларинг ҳам бўларди.

— Энди борайлик. Тағин келармиз. Бу ерга Сориоғоч яқин экан-ку, — деди Мариям опа. — Зерикиб қолсак келаверамиз.

— Келинглар.

Хуллас меҳмонларга рухсат тегиб, дарвозахонага яқинлашганларида Ойбек домла шашт билан Собит оғанинг олдидан кечиб чиқиб, ўша ерда боғлоқлиқ турган каттакон қора қўйни кўрсатиб:

— Енг! — деди.

Ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. Тўғри-да, тирик турган қўйни қандай қилиб ейди?

Ойбек домланинг гапиролмаслигини, гапирса ҳам қийналиб гапиришидан яхшиямки Мариям опанинг хабари бор экан.

— Шўрлик... Мана бу қора қўйни еяйлик... Насибангизни еб кетинглар деяптилар, — деди Собит оғага қараб.

Собит оға қисиқ кўзларига ёш олиб, Ойбек домлани маҳкам кучди.

Азиз иккаламиз Собит оғаларни кузатиб қўйгани Сариоғочга улар билан бирга кетдик.

ОФИЦИАНТКА

● Кеч кириб, атрофга салқинлик туша бошлаганида Ғафур ака ижодхонасида ҳозиргина ёзиб бўлган шеърининг кайфини суриб, креслога орқасини ташлаб ўтирар эди. Шу пайт эшикдан чопқиллаб қизи кириб-ю:

— Адажон овқатга чиқаркансиз, — деб зудлик билан чиқиб кетди.

— Маъқул. Чунки, қаттиқ ишлаганиданми, шоирнинг қорни оча бошлаган эди. «Овқат олдидан қиттак-қиттак ёмон бўлмасди», деб хаёлидан ўтказди шоир. Шу хаёлда чиқса стол устида буғи бурқираб бир лаган палов турарди. Девзирадан! Болалар чуғир-чуғир қилишиб стол атрофига ўтира бошлашибди. Ғафур акага бояги хаёли тинчлик бермай Муҳаррам опага мўлтираб қаради:

— Ҳа, ўтирмайсизми?

Ғафур ака бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғини ўлчов қилиб кўрсатди. Бу овқат олдидан қиттак қуйиб беринг, дегани эди. Муҳаррам опа «Э, йўқ!» деди, Ғафур ака бўлса «аразлаб» ташқарига чиқиб кетди. Бир маҳал бундоқ қараса, болалари бош кўтармай олишяпти, лаган ҳам ўрталаб қолибди. Бунақада ошдан қуруқ қолади-ку. Ғафур ака дарҳол ош ейилаётган хона деразасидан ичкарига уч сўм чўзим, деди:

— Официантка! Пожалюста, налейте сто грамм?

Муҳаррам опа ҳам болаларга қўшилишиб кулиб юборди:

— Ҳа, бўпти, бўпти, — деб ўрнидан туриб, жавон томон юра бошлади. — Кира қолинг, дадаси.

СУҲБАТЛАРДАН БИРИДА

● Тошкентда зилзила бўлган йили Ғафур ака иккаламиз Қозоғистон ёзувчиларининг V съездига меҳмон бўлиб борган эдик. Мен шуни пайқадимки, танаффус пайтларида кўпчилик қозоқ биродарларимиз, съезд меҳмонлари Ғафур аканинг теварагида бўлишар, унинг қизиқ-қизиқ гапларига жон қулоқларини тутишар эди. Бунинг сабабларидан бири — зилзиладан азият чекканимиз учун кўнглимизни кўтариш бўлса, иккинчиси—Ғафур аканинг ҳар қандай миллат вакилини оғзига қарата олиши эди. Шундай дилбар суҳбатлардан бирида ўрисчалаб сўзлаётиб, қандайдир бир сўзни чайнаброқ, бузиброқ талаффуз қилди. Сўнг биз турган томонга қараб сўкиниб деди:

— Падарингга лаънат, менинг оғзимга тушган ўрисча иккинчи ишга ярамайди, майиб бўлиб чиқади!

Носир ФОЗИЛОВ.

• КИТОБ—ОФТОБ •

ТУРКЧА—ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАШГИЧ

● «ТУРКЧА — ЎЗБЕКЧА сўзлашгич» бугунги кунинг талабига мослаб тузилган луғат. У турк олими Мехмет Хенгирмен ва ўзбек тилшуноси Юсуф Берднёровларнинг ўзаро ҳамкорлиги самарасидир.

Сўзлашгич чўнтакбоп бўлиб, унга туркларни Ўзбекистонга ва ўзбекларнинг Туркияга борганларида қўл келадиган зарур сўз ва иборалари жамланган. У Туркияда нашр этилгани учун юксак ноширлик усулида босилган, рангли расмлар билан безатилган. Луғатдаги ҳар иккала матн бир ёзув — лотин ҳарфларида берилган. Сўзлашгич шартли равишда ўн мавзуга бўлинган: 1. Қисқа грамматик маълумот ва саломлашиш. 2. Вақтни билиш ва шаҳарга бориш: 3). Меҳмонхонада. 4) Ресторанда, 5) Магазин ва дўконларда, 6). Почтахонада ва қўналғада. 7. Кемада, 8.) Дам олиш ва спорт, 9). Транспорт, 10). Доктор ҳузурида.

Ҳар бир мавзуга ўзбек ва турк тилларида кенг ишлатиладиган сўз ва иборалар йиғилган. Масалан, қўналғада (аэропортда) мавзусидаги сўз ва ибораларга диққат қилинса, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунончи, «Измира бир билет истаюрум — Измирга бир билет олмоқчиман», «Учақ не заман қалқаяжак — самолёт қачон учади», «Данишма буроси нереда? — Маълумотлар бюроси қаерда?» кабилар.

Доктор ҳузуридаги бўлимда ҳам шу ерда ишлатилиши мумкин бўлган зарур сўз ва иборалар келтирилган: «Шикоятиниз недир — Қаерингиз оғрийди?», «Мидем бузулду — ошқозоним оғрийди», «Дерин нефес алин— чуқур нафас олинг».

Ушбу сўзлашгични аҳамияти шундаки, ҳар бир мавзуга келтирилган сўз ва иборалар охирида қўшимча равишда айрим сўзлар маъноси изоҳланган. Масалан меҳмонхонада мавзуси охирида қуйидаги сўзлар келтирилган: «экмек — нон, бал — асал, бардак — стакан, йугурт — қатиқ, чатмал — санчқи»,

Ниҳоят сўзлашгич охирида алифбо тартибида олти юз сўз изоҳи берилганки, бу китобда учрайдиган сўз маъноларини аниқлашга катта ёрдам беради.

Ушбу луғат амалий жиҳатдан ўзбек ва турк халқлари алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам бериш билан бирга бу тилларни ўрганувчилар учун яхшигина қўлланма вазифасини ҳам ўтайди.

Э. УМАРОВ.

«ШАҲРИСАБЗ ТОНГГИ»—60 ЁШДА

● «Шаҳрисабз тонгги» газетаси 60 ёшга тўлди. Бу дастлаб «Енгиш», кейинчалик «Қизил тракторчи», «Коммунизм байроғи» номлари билан чоп этилганди. 1991 йилдан бери эса «Шаҳрисабз тонгги» номи билан босилмоқда.

Ўтган давр мобайнида рўзнома район ва шаҳар халқ хўжалигини ривожлантиришга, меҳнаткашларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшди. Яқинда кўп минг сонли муштарийлар газетанинг 60 йиллик юбилейини нишонлашди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Раҳмонов, Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг иккинчи котиби П. Бердиев, Шаҳрисабз район ҳокими Ш. Алланазаров, Шаҳрисабз районидаги Амир Темур номли хўжалик бошқаруви раиси Қ. Ҳақбердиев, «Қашқадарё ҳақиқати» газетаси муҳаррири Р. Нурматов, ХДП Шаҳрисабз район кенгаши биринчи котиби М. Остонов ва бошқалар сўзга чиқиб, газета мураккаб ва шонли йўлни босиб ўтганлигини, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида халқнинг келажакка умид ва ишончини уйғотишда тушунтириш ишларини олиб бораётганлигини таъкидлаб, ижодий жамоага мувваффақиятлар тилашди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• БИР КАЛИМА СЎЗИМ БОР

ҚОРИ— ҲАР НИМА БОРИ

● Ҳурматли редакция! 6 июнь газетасини олиб ўқидим. 5 газета ва 2 журналга обуна бўлганман, доимо олиб тураман. «Гурунг» саҳифасида «Пайғамбаримиз полвон бўлганлар» мақолани ўқидим. Деярли тўғри ёзилган. Лекин, қори бирроз ноаниқликка йўл қўйган кўринади.

Менда 1890 йилда чоп этилган 307 бетли «Жангнома» бор. Унда Расулимизни етимлик давридан токи ўлимига қадар бўлган воқеалар, неча йил ҳалифа бўлганлиги, Ҳасан-Ҳусан қаерда ўлганлиги ҳам битилган. Пайғамбаримиз аммасиникига бориб, менга курашжома беринг, эртага Абужал бирла курашаман, дейди. Аммаси менда жома йўқ, суриштириб топарман, дейди. Буни эшитган Хадичабегим бир жома келтириб беради. Шунда пайғамбаримиз бирла юрган етимлар Абужал кўпзўр, унга бошлиғимиз тоб беролмай ўлсалар, нима бўлур, деб Хадичага борадилар. Хадичабегим Муҳаммаднинг суратини Холин гиламга солдириб, тўқитади. Гиламни ўша замонда кучли подшо Асғопил деганнинг саройига жўнатади.

Муҳаммад Абужал бирла курашаётган вақтида ўн тўрт ёшда эди. Ул кишида ҳеч қандай полвонлик аломати бўлмаган. Лекинда, Худо таолло Жаброилга буюради боргил, менинг бўлажак ҳабибимга ёрдамингни аямагил. Кураш куни Муҳаммад жомани кийди. Худога мурожаат қилиб келди. Ўйингоҳда кўп томошабин йиғилган. Муҳаммад ила Абужал даврага чиқди. Абужал деди: сен ол кичиксан. Муҳаммад айтди: сен ол, сен каттасен. Шунда 10—15 ботмонли тошни тепса, 30—40 метрга кетказадиган Абужал олди. Жаброил ул бузрукни кафтидан босиб турур эрди, жадал қилдики жойидан қўзғатолмади. Сўнгра пайғамбаримиз рақибни ҳавога отди, парилар ёрдамида ҳавога чиқиб кетди. Ерга тушиб, бир неча суяклари синди...

Газетада Хадичабегимни Муҳаммадга қилган яхшилиги ёритилмаган. Агар жома бўлмаса, кураш бўлмас эди. Чунки, жомада хосият кўп. Полвонлик ул кишига фақатгина пайғамбарликка вохи келганда ҳосил бўлди. Бу китоб юзасидан қори билганини ёзибди, холс. Шунисига ҳам шукр.

Ислом РУСТАМОВ.

МАТЛУБАХОН

● Ҳозирги ўзгариш, мустақилликка эришиш, иқтисодий қийинчилик даврида киши билмас бир иноятга эҳтиёж андак кучайган бўлса, ажабмас. У ҳам бўлса, бизни ана шу ташвишлардан бир дам бўлсада фориғ этувчи дилрабо қўшиқлардир. Менинг Матлуба Дадабоеванинг нажиб ва мумтоз, оҳанграбо овози ҳақида сўзлагим бор.

Унинг тоғ шалоласидек тиниқ ва янгроқ овози, бағоят нафис ва мураккаб «Мақом» йўлларидаги ашулаларини қийналмай чиқариб беришида худо берганлиги намоён бўлади.

Мен ўттизинчи йилларда ҳам элга манзур Ўктам яллачидан бери давраларда овоз қўйиб келаётган хонандаларни биламан. Матлубахонни ўшаларга муқояса қиладиган бўлсак, хонанданинг ўзига хослиги яна ҳам кўзга ташлангусидир. Айтишларича, қадимги Юнон олими Суқрот ҳузурида бир хонанда мақталган экан. Шунда Суқрот:

— Нечук уни мақтаб қолдинглар, — деб сўрайди.

— Кўп олқиш олиб турадi-ку, — деган жавоб бўлади.

— Э, сен унинг кўп олқиш олганидан бурун шу соҳанинг билимдонлари у ҳақда нима деганини айтсанг бўларди, — дейди Суқрот.

Камина ҳам «қўй кўрмаса ҳам қий кўрганлардан». Урушдан аввал Новзада боғимиз бўларди. Бир ёқда Тўйчи ҳофиз, иккинчи тарафда Юнус Ражабий, Шожалил, Шоқосим, Шоолим ҳофизлар. Яна бир ёқда Тамарахоним ва Хуршидлар... Шаҳар ҳовлимиз — Чорсуга туташ маҳаллаларда булбулдек овозли Ғуломқори ҳофиз, домла Халим ҳофизлар туришарди. Тўй-томошаларда, қолаверса, радиодан бундай зотларнинг ялла, ашулаларини эшитиб, уларнинг муҳитидан баҳра олиб улғайганмиз.

Матлубахон ҳақидаги фикримни ана шу санъаткорларнинг руҳ-поклари ҳурмати айтишга журъат этдим. Наманган вилояти, Чуст районининг Варзик қишлоғида ҳофизлар оиласида дунёга келган Матлубахон — асли зуллисонайн хонанда. Яъни ўзбек тилида ҳам, тожик тилида ҳам куй-қўшиқлари билан кишини ром этувчи санъаткор. Агар ойнаи жаҳон ҳосиятидан фойдаланиб, Матлубахон ижросидаги хонишлар алоҳида фильм-концерт дастасига айлантирилса, айни муддао бўларди, деган фикрдаман. Ўйлайманки, мухлислар ҳам бундан баҳраманд бўладилар.

Шарафиддин КУНЧИ.

• Биз билмаган дунё •

● Биз ҳали руҳий олам сирларини билмаймиз. Ҳатто ўз вужудимизда яшаётган руҳият тилсимотларини ҳам сезмаймиз. Сабаб, шу чоққача халқ табобати эскилик сарқити деб қоралаб келинди. Руҳий даволаш усуллари қатағон қилинди, айб саналди. Ҳақсизлик, ҳуқуқсизлик илоҳий илмни «янчиб ташлади».

Мустақиллик эркимизни қайтариб берди, халқ табобатига йўл очди. Руҳий муолажакорлар, кароматчилар, башоратчилар, фолбинлар, яна майдонга чиқдилар. Қуйида ана шундай хислатли кишилардан бири Хосият пари Қосим қизи ҳақида ҳикоя қиламиз.

ҲАММА ГАП ДУОДА

У Марҳамат ноҳиясининг Тандирчи қишлоғида яшайди. Ёши — қирқда. Ҳаётда кўп қийналган, азият чеккан. Етти ёшида унда ғаройиб хислат борлиги аён бўлган. Тушида кимдир: «Сен бугундан эътиборан чевар бўлдинг», деб унинг қўлига қайчи тутқазган. Ёш қизча бунга ишониб, ишонмай костюм-шим тиккан. Бу воқеа ота-она, қариндош уруғларни лол қолдирган, қишлоқда овоза бўлган. Уста кўрмаган чевар қиз тикувчилик кичик корхонасига бошлиқ этиб тайинланган.

Ўн бир ёшида Хосиятхоннинг кўзига оқ кўйлак кийган «парилар» кўринабошлаган Улар ҳали балоғатга етмаган қизни покликка, чиройли кийинишга даъват этганлар. Шу орада унинг онаси оламдан ўтди ва Миришкор ота қабристонига қўйилди. Бу жудолик Хосиятхонга қаттиқ таъсир қилди. У 9 йил ҳар куни тонг қоронғусида мозорга қатнади, дил-дилдан фарёд кўтарди. Кунлардан бир кун у йиғлабйиғлаб она қабри устида ухлаб қолди. Тушида бир нуроний чол: «Бас қизим, ҳадеб йиғлайверма, мана шу тасбеҳни ол, қайчини бер», деди.

Қўрқиб кетган Хосиятхоннинг қўл-оёғи ишламай қолди. Табибларга кўрсатишди, тузалмади. Кўзга кўринмас, «ғойиб»лар: «Сенда хислат бор. Парихонликни бўйнингга ол, руҳлар хизматингда бўлади. Шундагина соғайиб кетасан», дейишди.

Ҳосиятхон учун бундан бошқа йўл йўқ эди. У, парилар билан ишлашга жазм қилди ва кўп ўтмай тузалиб кетди. Кейин у: «Ихлос қилган дарддан халос бўлади», — деган ҳикматга амал қила бошлади.

Унинг ноёб қобилияти: юзингизга қараб, ёшингизни сўраб, аввал «улар» билан маслаҳатлашиб, сўнг башорат қила бошлайди. Босиб ўтган йўлингиз, келажагингиз, қандай дардингиз борлигини аниқ айтади. Гапирган сайин сизда «қаёқдан билдийкин», деган ҳайрат пайдо бўлади. Шундан кейингина унинг оддий аёл эмаслигига ишонасиз. Руҳлар, фаришталар билан гаплашиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Фақат баъзи одамларгагина руҳият тилсимлари ғён бўлади. Хосият парида ана шундай хислат бор. Энг муҳими, у «парилар» илашиб дардга йўлиққан, мададга муҳтож кишиларни аниқлаб, уларни «чилла» ўтқазиб, парихонликни бўйнига олиб беради. Зеро, бундай олиб боришнинг ўз машаққатлари, азоблари бор. «Руҳият одамларини тушуниш қийин, — дейди Ҳосиятхон, — фақат париларгина уни айтиб беришга қодир. Мен ҳамиша париларим башоратига таянаман. Улар ҳеч қачон ёлғон гапирмайдилар».

Унинг даволаш усули: қўл-оёғи ишламайдиган шол, юраги хаста, бедармон, тутқаноғи бор, уйқусиз беморларни «қамчилаб ўқийди». Кўз нури билан даволайди. Бошқачароқ айтганда Хосият парининг нигоҳида, қўлларида шифобахш нур бор. У ўз даволаш усулини бир неча йил давомида синовдан ўтказди. Қанча-қанча дардмандлар, руҳий мададга муҳтож одамлар ундан шифо топишди. Кимлардир ўлим тўшагидан туриб кетди, бошқалари касалликдан қутулди, яъни қанчалари эса ўзининг ўтмиши ва келажагидан воқиф бўлди. Ўнлаб хислатли кишилар ўнга шогирд тушиб, ўткир парихон бўлиб етишди. Ҳозир Хосиятхонни излаган, сўроқлаганлар кўп. Опа беморларни даволашдан эринмайди. Китоб ўқиётгандек кароматларини қилаверади.

«Мен, Каримов Мансурбек, Балиқчи ноҳиясининг «Коммуна» қишлоғида яшайман. Алланечук дардга дучор бўлдим. Хаёлимда отаонам, ака-укаларимни кимдир уйдан ҳайдаб чиқиб кетаётганга ўхшайверди. 20 кун докторга қатнадим. Даво-си бўлмади. Дунё қоронғи бўлди. Оиламиз ташвишда қолди. Хосиятхон опанинг дарагини эшитиб, ҳузурларига бордим. У киши юзимга тик боқиб: «Қўрқманг, ғойиблар босишибди», деб уч марта ўқидилар. Ўзимни енгил ҳис этдим. Чилла ўтирдим. Ваҳима солган парилар хизматимга ўтдилар. Улар башорат қилишади. Мен бўлсам беморларга ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Хосиятхондан бир умр миннатдорман».

«Мен Соипова Мақсуда. Асакадаги Бобур кўчасида яшайман. Узоқ йилдан бери нафасим қисарди. Юрагим хаста эди. Даволандим, ўзгариш бўлмади. Хосиятхон опага ўқитганимдан кейин дарддан фориғ бўлдим. Бу яхшиликни ҳеч қачон унутмайман».

Бундай миннатдорчилик мактублари, дил сўзларини кўплаб келтириш мумкин. Биз Хосиятхон билан бир неча бор учрашиб, суҳбатлашдик. Самимий, ёқимтой аёл, ғирромлик, ёлғончиликни ёқтирмайди.

— Дуонинг кучига ишонинг, — дейди у. — Дуо инсонда умид, ишонч уйғотади. У билан хаста кўнгиллар ёзилади, эл кўкаради, барака пайдо бўлади.

— Хосиятхон сиз худо ато этган қобилиятингиз билан бойишдан қўрқмайсизми?

— Чўчийман, истасам бойишим мумкин. Лекин бойликка ҳирс қўйсам, «одамларим» бўйсунмай қўйишади. Улар мени ростгўйлик, ҳалолликка даъват этадилар. Инсоф сари барака, дейишади, 90 ёшли отам Мамадали Рўзиматов орқали хайр-эҳсон бериб туришни канда қилмайман. Азиз-авлиёларнинг жойларини зиёрат қиламан. Пайғамбаримизнинг: «бу дунёда кийимлик, охиратда яланғочдир», деган ҳикмати ёдимда...

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САДАҚАИ РАДДИ БАЛО

(ҲАЖВИЯ)

Тушим алаг-чалаг. Бир-биридан даҳшатли тушлар кўраман. Шу боисдан девонага етти танга атадим. Садақаи радди бало.

Девона қидирдим. Йўқ. Бозорда бир девона ўтирарди. Негадир кўринмай қолди. Сўраб-суриштириб уйига бордим. Дарвозани тақиллатдим. Чиқди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум...

— Бозорда кўринмай қолдингиз, тани-жонингиз соғми?

— Раҳмат. Бозор иқтисодиётига ўтгач, бозорга чиқишга ҳожатим қолмади, бўтам. Деворачилик ҳам фермердек гап бўлиб қолди.

— Нега?

— Биз ҳам ўз-ўзига хизмат усулига ўтганмиз.

— Қандай?

— Ҳозир ваҳимага тушмаган, бир-бирларини алдаб туши бежо бўлмаган одам йўқ. Демак, кўпчилик девонага нимадир атайди. Атаганларини ўз оёқлари билан уйга келтириб бермагунларича кўнгиллари таскин топмайди. Сиз ҳам бежиз ташриф буюрмагандирсиз, тўғрими?

— Ҳа, тушим...

— Боракалло!

—Мана.—Мен битта бир сўмлик, иккита йигирма тийинлик танга узатдим. Девона олиб санади. Лабларини буриб менга таажжуб билан тикилди. Пулни қайтариб қўлимга тутқазаркан деди:

— Бу ўзингизга сийлов... Мен ҳайратландим.

— Ҳа?

— Осмондан тушганмисиз. Ахир нарх-наво неча марта ошди. Девонани жа ерга уриб юборманг. Садақаи радди балонинг обрўйини тўкмангда, бўтам. Садақаи радди бало тушовланган айғир эмаски, бир жойда депсиниб тураверса. Ҳозир етти сўм бўлиб қолган.

Мен етти сўм бердим.

У киши:

— Бу бошқа гап, — деб дуога қўл очди:

— Омин, сизга боққан балолар даф бўлсин. Садақаи радди бало.

Ўчакишгандай кеча тушимга яна ота-онам кирибди. Одатимизга кўра садақа қилишим шарт.

Мен девонанинг уйига дастлаб борганимдан бери нарх-наво яна икки-уч марта ошди.

Ҳозир садақаи радди бало неча сўмга чиқди экан? Билмайсизми?

Тўхташ АШУРОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари). В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583.
Буюртма № Г — 127.
№ 131.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—22.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.